


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 4 декабрь, № 235 (5655) Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 5 декабрь куни Ашхобод шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига (МДҲ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

### Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси олдидан



*Парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровон ҳаёт кечириши, миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши учун пойдевор бўлган мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллиги кенг нишонланаётган сана арафасида ўтмоқда.*

## Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш – бош мақсад

Дарҳақиқат, юртимизда Асосий Қонунимизга таянган ҳолда, давлатимиз раҳбари томонидан олдиндан белгилаб берилган, дунё ҳамжамияти тарафидан “Ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт йўли асосида демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотларнинг негизига, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари устуворлиги қўйилмоқда.

Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси кўплаб хорижий давлатлар томонидан эътироф этилмоқда. Шу билан бир қаторда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, у ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритишни, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтиришни, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришни тақозо қилади.

Шу маънода айтганда, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси даврнинг ана шу талаби асосида ишлаб чиқилган ҳужжат бўлиб, унда давлатимиз тараққиётини янада юқори босқичга кўтаришга йўналтирилган асосий вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган. Энг муҳими, бу улкан мақсадларни рўёбга чиқариш учун тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Маълумки, Концепцияда суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришни назарда тутадиган қонунчилик ташаббуслари ва таклифлар илгари сурилган. Хусусан, унда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни ҳаётга татбиқ этадиган органлар тизими, вазифалари, мақомини белгилаб берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш таклиф этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 7 ноябрда қабул қилинган ва Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида кўриб чиқилиши кутилаётган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади юқорида қайд этилган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилгандир.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтга қадар тезкор-қидирув фаолияти мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатлари асосида самарали амалга ошириб келинмоқда.

Шундай бўлса-да, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслиги, ушбу фаолиятнинг турли йўналишларини тартибга солувчи қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган нормаларни бир тизимга солиш лозимлигидан далолат бериб, бу “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” алоҳида қонунни қабул қилиш заруратини тақозо этаётган эди.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2012 йил 5 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2012 йил 4 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# Маҳалла – оила институтини мустаҳкамлашнинг муҳим омили

*Самарқанд шаҳрида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Цукуба ва Васеда университетлари (Япония) ҳамкорлигида “Оила институтини мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли” мавзуида халқаро илмий-амалий давра суҳбати ўтказилди.*

### Халқаро анжуман

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси, хусусан, оила институтини ривожлантириш, бу борада фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишга бағишланган ушбу тадбирда Япония, Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Россия каби давлатлардан ташриф буюрган олим ва экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ҳамда Адлия вазирликларининг масъул ходимлари, олий ўқув юртлари профессорлари, илмий тадқиқот институтлари экспертлари, оммавий ахборот воситалари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Анжуманда эътироф этилганидек, истиқлол йилларида юртимизда оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Хусусан, улар томонидан маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур кўмак ва ёрдам кўрсатишдаги таъсирини ошириш бўйича кўплаб хайрли ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Айниқса, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, республикамиздаги 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг оила институтини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, ушбу жараёнда жамият маънавий негизларини ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, миллий ўзлигимизга ёт бўлган зарарли таъсирларга қарши туришда оиланинг ўрнини оширишдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бунда, албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда.

— Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бу Ўзбекистонда ўзгачадир, — дейди **Тулуза университети профессори Мишель Салинас (Франция).** — Шу маънода, юртингиздаги маҳалла тизимини мазмун-моҳиятига кўра ноёб, деб айтиш мумкин. Айниқса, унинг оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти диққатга сазовор. Бу ерда кўрганларимиз ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич модернизация қилиш ва янгилаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, оилалар соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва хотиржамликка эришилади. Маҳалла-юрт мустаҳкам бўлса, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир. Шу боис ҳам бу йўналишдаги ишларга истиқлолнинг илк йиллариданоқ киришилган эди. Хусусан, оилани ижтимоий аҳамиятга эга институт сифатида такомиллаштириш мақсадида унинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди. Аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида алоҳида боб оила ҳамда у билан боғлиқ муносабатларга бағишланган. Конституциядан келиб чиққан ҳолда, ўтган давр мобайнида Оила кодекси ва оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 га яқин қонунлар, Президентимизнинг 20 га яқин фармон, қарорлари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# Соғлом бола, бахтиёр она

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

*Истиқлолнинг илк йилларидаоқ мамлакатимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йўналишдаги ислоҳотларнинг самарали кечишида Хотин-қизлар қўмитасининг ҳам муносиб ўрни бор, албатта.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Б**угунги кунда мазкур қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги қуйи бўғинлари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда, айниқса, чекка қишлоқларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бормоқда. Хусусан, ҳар ойда ўтказиб келинаётган “Туғиш ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларни соғломлаштириш” ҳафталикларининг бу борадаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Олим ва етакчи мутахассислар жалб қилинган мазкур ҳафталикларда республиканинг барча шаҳар, туман ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишдан ташқари, аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай тадбирларда жами 786 мингдан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар ва 459 мингдан зиёд болалар кўрикдан ўтказилди.

(Давоми 4-бетда).

# Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий шериклик

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан “Касаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикликнинг аҳамияти” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.*

### Тадбир

Унда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, бугун юртимиздаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик асосида самарали фаолият олиб бормоқда. Хусусан, фуқаролик жамиятининг йирик институтларидан бири бўлган касаба уюшмалари ижтимоий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш,

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Энг намунали Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти” республика кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди. Унда ҳудудий босқичларда ғолиб бўлган ташкилотлар вакиллари қатнашди. Якунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган ўттиз учта бошланғич хотин-қизлар ташкилоти биринчи ўринга лойиқ топилди.

---

● **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси полигонида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курси курсантларининг Ватанга содиқлик қасамёдини қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.**

---

● Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Исроилнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида даволовчи жисмоний тарбия биноси очилди. Бинодаги сузиш ҳавзасида сув мўътадил ҳароратда сақланиб, ундаги оқим гидроуқалаш муолажасини ўтказади. Югуриш ва юриш йўлакчалари, автоматлаштирилган тренажёрлар таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсони бор болалар учун қўл келади.

---

● **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон давлат консерваториясида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Маросимда алоҳида эҳтиёжманд кишиларга ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.**

---

● “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуасида 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан анъанавий карате-до бўйича “Камолот кубоги” ўтказилди. Мусобақада иштирокчилар якка ҳамда жамоавий ката ва кумитэ баҳсларида ўз маҳоратини намойиш қилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Навоий ва Самарқанд вилоятлари спортчиларининг чиқишлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИШ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

***Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирувчи***

**303,5** **километрлик автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди.**

2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш Дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижроси таъминлангани ана шундай ижобий натижага эришиш имконини яратди.

# Маҳалла – оила институтини мустаҳкамлашнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур ҳужжатдан келиб чиқиб, азалдан халқимиз учун муқаддас саналган оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчига айлантириш, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва имкониятлар яратиб бериш, ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, мустаҳкам оилани шакллантиришга устувор эътибор қаратилмоқда. Бундай кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли адо этишда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Буни Давлат дастури ижроси юзасидан улар томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва қўлга киритилаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов бошчилигида танланган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" стратегияси замирида тарих ва бугунни ўзида уйғунлаштирган ҳаётий тамойиллар ўз ифодасини топган, — дейди **Сеул шаҳар мэриясининг хотин-қизлар ва оила масалалари бошқармаси директори Ю Ён Сук (Жанубий Корея).** — Унинг моҳиятида аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатларини ўзида ифода этган мустақил, барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эркинлиги алоҳида назарда тутилган. Бунинг учун пухта норматив-ҳуқуқий база яратилгани, айниқса, менталитетингизга хос "маҳалла" сўзи Конституциянгизда ҳам ўз ифодасини топгани ҳамда булар умумэътироф этилган меъёрларга тўла уйғун экани эътирофга лойиқ. Ўзбекистонда бўлганидек, Кореяда ҳам азалдан оилага алоҳида ҳурмат кўрсатиб келинади. Мамлакатингизда тўпланган тажриба, айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари ноёб тизими бўлган маҳалланинг оилани қўллаб-қувватлашга йўналтирилган эътиборни тортади. Нега деганда, маҳалла жамоатчилиги оилалар ҳаётидан жуда яхши хабардор. Шу маънода, унинг оилани қўллаб-қувватлаш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Албатта, бу ерда ўрганганларимиз нафақат мен, балки ҳар бир хорижлик иштирокчи учун фойдадан холи эмас.

Анжуман қатнашчилари оналик ва болаликни муҳофазалаш, улар соғлигини ҳамда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш ва турмуш тарзини соғломлаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни камолга етказиш учун барча шарт-шароитни яратиш, уларда эркин фикрлаш кўникмасини шакллантириш, миллий анъана ва одатлар асосида болаларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам маҳалла институтининг ўрни ва роли бениҳоя юқори эканлигини алоҳида таъкидлашди. Ушбу мақсадлар рўёби йўлида фуқаролар йиғинларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш, бунинг учун эса зарур миқдорда маблағ билан таъминлаш, оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда ёши улуғ инсонларнинг таъсирини ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга бағишланган маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Оилалар барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг ёшларни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш мақсадида эса фуқаролар йиғинлари ҳузурида "Ота-оналар университети" ташкил этилиб, уларга эл орасида ҳурмат-эътибор қозонган кишилар жалб қилинди. "Маҳалла — оила — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизми ҳам бугун оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Ҳар бир давлат учун ёшлар тарбияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — дейди **Россия Фанлар академияси Ёшлар социологияси бўлими бош илмий ходими Владимир Чупров.** — Бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба, айниқса, диққатга сазовор. Таълим муассасасидан ташқари, яна бир тарбия маскани борки, назаримда, унинг ўрнини бошқа ҳеч бир тизим боса олмайди, бу маҳалладир. Ўспирин йигит ёки қиз доим маҳалла жамоатчилиги эътиборида бўлади. Шунинг ўзиёқ ўзбек маҳалласининг жамият ҳаётида тутган ўрни беқиёс эканини кўрсатиб турибди. Бундай тажрибани ўрганиш ҳар қандай демократик давлат учун ҳам катта фойда келтиради.

Оила мустаҳкамлигини таъминлашда унинг маънавий асоси билан бир қаторда, моддий асоси ҳам муҳим ўрин тутади. Бу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, маҳалланинг бу борадаги фаолияти хорижлик экспертлар томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилди. Жумладан, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти таҳлил қилинди.

— Ўзбекистондаги маҳалла тизими мазмун-моҳиятига кўра ноёбдир, — дейди **Нью-Йорк давлат университети профессори Парвиз Морвиж (АҚШ).** — Юртингиз Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашгани учун бу ерда қадимдан халқ ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги яхши ривож топган. Асрлар давомида ушбу заминда атторлар, чилангарлар, заргарлар, баққоллар, кулоллар, этикдўзлар, савдогарлар маҳаллалари бўлгани ҳақида ўқиганман. Мустақиллик йилларида ана шу тарихий ижтимоий институт ва унга хос қадриятлар қайта кўз очиб, тараққиётга эришиши учун катта эътибор қаратилаётганидан хабарим бор. Албатта, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун тадбиркорликнинг бундай йўналишини янада кенгайтириш, шу орқали оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради. Бу борада маҳалла энг яқин кўмакдошга айланади.

Халқаро экспертлар фуқаролар йиғинлари томонидан йўлга қўйилган жамоатчилик назорати ҳам пировард натижада оилаларнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилганлигини юқори баҳолашди. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда фуқаролар йиғинлари томонидан қонун ҳужжатлари, шунингдек, ўз қарорлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши белгиланган. Унга кўра, фуқаролар йиғинлари томонидан ҳар чоракда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, тобора такомиллашиб бормоқда.

Ҳозир юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тузилган бўлиб, улар фаолиятида жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва самарали амалга ошириш устувор аҳамият касб этмоқда. Уларнинг ҳудудни комплекс ривожлантириш, қонун ҳужжатлари ва фуқаролар йиғинлари қарорлари ижросини назорат қилиш, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тайёргарлик кўриш, ҳудудни ободонлаштириш, тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимларни ўтказишда жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари бунинг бир мисолидир. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинларида улар ваколатларига кирувчи масалалар бўйича жами 5400 дан ортиқ ҳисоботи эшитилди. Халқ депутатлари Маҳаллий кенгашларининг жами 259 та сессиясида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жамоатчилик назорати ёшлар тарбиясида ҳам қўл келаётир. Бу оила, маҳалла, таълим муассасаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларида, айниқса, яққол намоён бўлаётир. Бу йўналишда республикамиз маҳаллаларида йиғин раислари бошчилигида "Камолот" ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари вакиллари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимларидан таркиб топган 8 мингдан ортиқ жамоатчилик гуруҳлари тузилган. Бу эса ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳудудлар осойишталигини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва пировардида оилаларнинг мустаҳкамлигини кафолатлашда муҳим ўрин тутмоқда.

— Юртингизда азалдан бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлиб келаётган маҳалла кейинги йилларда тубдан янгиланганига анжуман чоғида яна бир бор гувоҳ бўлдим, — дейди **К. Аденауэр фонди эксперти Норберт Золберг (Германия).** — Буни тизим томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамлар моддий фаровонлигини ошириш ва уларни кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби йўналишлардаги муҳим вазифаларни муваффақиятли бажармоқда. Бунда маҳалланинг жамоатчилик назорати самарадорлиги ошиб бораётганлиги муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, ушбу тизим томонидан қонун ҳужжатлари устуворлигини таъминлаш, уларни амалиётда татбиқ этиш, аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, бунинг учун эса соғлом рақобат муҳитини қарор топтириш бўйича йўлга қўйилган жамоатчилик назоратини ҳар қанча ўрганса, арзийди. Бундай бой тажриба ҳар қандай демократик жамият учун ҳам манфаатли, деб ҳисоблайман.

Давра суҳбатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий шериклик борасидаги фаолияти, хусусан, уларнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлиги тўғрисида батафсил маълумот берилди. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида Касаба уюшмалари ва фуқаролар йиғинлари шериклиги асосида 3924 нафар қишлоқ аҳолиси санаторийларда тиббий кўрикдан ўтказилиб, бепул даволанди.

Илмий-амалий анжуманда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқадиган истиқболдаги устувор вазифалар, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Айниқса, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш йўналишидаги вазифаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани хорижлик экспертлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилди. Айни чоғда улар Қонунга киритилаётган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар фуқаролик жамияти пойдеворини янада мустаҳкамлашга ва энг муҳими, оилаларнинг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида эътироф этишди.

— Президент Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида катта ҳаётий мазмунга эга қимматли ғоя ва таклифлар илгари сурилган, — дейди **Васеда университети доценти Томоко Ако (Япония).** — Масалан, уларда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳаллага тараққиёт чўққиларини забт этиш имконига эга тизим сифатида катта эътибор берилган. Айни чоғда соҳа қонунчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ қатор ташаббуслар илгари сурилганки, бу ҳам маҳалланинг нуфузини янада оширишга олиб келади. Шу сабаб сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларнинг бир бўлаги бўлган мазкур тизимга қизиқишим ортмоқда. Зеро, шундай эътибор ва ғамхўрлик туфайли маҳалла одамлар бошини қовуштириб, уларни юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга илҳомлантиради. Шу орқали давлат равнақ топади, натижада ҳар бир оила фаровон ҳаёт кечиради. Бу Япония учун ҳам ғоят зарур тажриба бўлади, деб ҳисоблайман.

Тадбирда хорижлик экспертлар томонидан Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш бошқа давлатларга тенг фойдали экани таъкидланди. Муҳими, кўплаб халқаро экспертлар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, хусусан, оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини юқори баҳолашди.

Халқаро анжуман доирасида иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги бир қатор намунавий маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлишди. Хусусан, "Аэропорт" маҳалла фуқаролар йиғинида яратилган шарт-шароитлар ва йиғиннинг иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Ушбу маҳалланинг иш режаси, турли жамоатчилик комиссияларининг фаолияти менда илиқ таассурот қолдирди, — дейди **Цукуба университети доценти Эдсон Урано (Япония).** — Айниқса, ёшлар тарбияси, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, умуман, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш фуқаролар йиғинининг диққат-эътиборида эканлиги кишини беэътибор қолдирмайди. Шунинг ўзиёқ маҳалла ҳақли равишда фуқаролик жамиятининг энг ноёб институти эканлигини кўрсатиб турибди. Бу борада юртингизда тўпланган бой тажрибани ўрганиш Япония жамоатчилиги учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Умуман олганда, халқаро илмий-амалий давра суҳбати қизғин баҳс-мунозаралар ҳамда таассуротларга бой бўлди. Айниқса, хорижлик экспертлар томонидан жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилаларни ривожлантириш билан бир қаторда, мамлакатимизда "Мустаҳкам оила" деган ғоянинг ижтимоий ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтиришда маҳалла институтининг алоҳида аҳамият касб этиши эътироф этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш – бош мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка амал қилишнинг аниқ ҳуқуқий кафолатларини яратиш мақсадини назарда тутади. Бундан ташқари, мазкур Қонун қабул қилиниши бу соҳадаги фаолиятнинг янада либераллашувига хизмат қилади ва у демократик давлатларнинг умумэътироф этилган андозаларига ҳам ҳар томонлама мос келади ҳамда шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоялаш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш самарадорлигини, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга замин яратади.

Қонун мамлакатимизнинг амалдаги миллий қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасига асосланган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро нормалар, демократик давлатлар тажрибасини инобатга олиб тайёрланган.

Қонунда тезкор-қидирув фаолиятининг асосий вазифалари пировард натижада нималарга йўналтирилганлигининг мазмун-моҳияти қисқа, лўнда ва мазмунли тарзда белгилаб қўйилмоқда. Унга кўра, ушбу фаолиятнинг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мулкини ҳимоя қилади, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Ушбу ҳужжатда барча давлат бошқаруви органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунийлик принципи ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг назарда тутилиши ҳам катта аҳамият касб этади. Зеро, қонунийлик принципи тезкор-қидирув фаолиятини ўтказишда бу фаолиятни амалга оширувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилса, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги принципи фуқароларнинг халқаро ҳужжатларда, Асосий Қонунимизда ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, олий қадрият деб эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди.

Қонун билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколати берилган махсус органларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, мулкни ҳимоя қилиш, шунингдек, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун ўз ваколатлари доирасида зарур чораларни кўриш ҳуқуқи берилмоқда ҳамда муайян мажбуриятлар юклатилмоқда.

Қонунда, шунингдек, тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, ушбу тадбирларни ўтказиш асослари, шароитлари, мазкур фаолиятни ахборот билан таъминлаш, тезкор-қидирув ишларини юритиш, тезкор-қидирув тадбирларининг прокурор томонидан кўриб чиқилиши билан боғлиқ тартиб-тамойиллар назарда тутилмоқда.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимларининг давлат ҳимоясида эканлигининг қонунда мустаҳкамланиши ҳамда уларга муайян кафолатлар ва имтиёзлар берилиши, уларнинг ва улар оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланиши, мол-мулки муҳофаза қилиниши ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларининг назарда тутилиши ушбу органлар ходимларининг нуфузи ошишига олиб келади ҳамда бу соҳанинг фидойи, масъулиятли, садоқатли ходимлар билан тўлиқ шаклланишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтганда, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи ваколатли давлат органларининг фаолияти либераллашувига олиб келади, қонунийликка риоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини яратади ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ю. ТУРСУНБАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.**

# Замонавий технологиялар ва бизнес самарадорлиги

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда "Тижорат фаолияти ва тадбиркорликда замонавий ахборот технологияларини қўллашни ривожлантириш: амалиёт ва қонунчилик" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилот вакиллари, мутахассислар, тадбиркорлар қатнашди.*

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Тадбирда юртимизда демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мақсадида кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар рўёбга чиқарилаётгани эътироф этилди.

Шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбида янги босқични бошлаб берди.

Қолаверса, Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари иқтисодий ислоҳотларнинг мантиқий давомидир. Сабаби улар мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун энг қулай шарт-шароитлару имкониятларни яратишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Пировардида бугунга келиб хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпгина қисмини кичик бизнес вакиллари ташкил этмоқда. Мазкур секторда иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи меҳнат қилмоқда. Ўз навбатида, ушбу соҳанинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2000 йилда 31, 2012 йилда эса 54 фоизга етди.

Давра суҳбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтиришда замонавий АКТнинг роли муҳокама этилди. Маълумки, бу ишбилармонлик фаолияти самарадорлигини ошириш, товар таннархини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини оширишда катта ўрин тутади. Бундан ташқари, маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми ва географиясини кенгайтириш, бизнесда бошқарув тизимини оптималлаштириш, давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатлар шаффофлигини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш муваффақият калитидир.

Жумладан, барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқ ҳамда молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказиш бошланди. Улар солиқ ва молия муассасаларига бормаган ҳолда, интернет орқали ўз солиқ декларацияларини тақдим этишлари ҳамда солиқларни тўлашлари мумкин. Шу туфайли ҳозир 1,5 млн.дан ортиқ электрон шаклда солиқ ва молиявий ҳисоботлар топширилмоқда.

Шунингдек, электрон инкасса топшириқларни тақдим этиш ва назорат қилиш механизми ҳаётга татбиқ этилди. Бу эса қоғоз шаклида ҳужжат алмашувини қисқартиришга хизмат қилмоқда. Давлат солиқ қўмитаси тизимида йилига 30-40 тонна қоғоз сарфини камайтириш ва инкасса топшириқларни тайёрлаш бўйича сарф-харажатларни 250 млн. сўм миқдорда тежаш имкони тақдим этилгани бунинг тасдиғидир. Давлат божхона қўмитаси томонидан эса ташқи савдо операцияларнинг интеграциялашган идоралараро Ягона электрон ахборот тизими амалга оширилмоқда. Бу ташқи савдо шартномаларни рўйхатга олиш жараёнини тезлаштириш ҳамда миллий товарлар экспортидан тушаётган маблағлар устидан валюта назоратини таъминлашда айни муддаодир.

Тадбирда Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилаётган электрон шаклда фирма номларини рўйхатга олиш тизими орқали бугунги кунда 77 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларининг электрон мурожаатлари кўриб чиқилиб, рўйхатга олингани ҳам айтиб ўтилди. Тадбиркорлик субъектларидан фирма номланишини рўйхатга олиш бўйича аризалар статистика органлари томонидан кечаю кундуз қабул қилинмоқда. Уларни кўриб чиқиш ва аризачига тегишли билдирги хати 4 иш соатидан ошмаган муддатда юборилади.

Маълумки, мамлакатимиздаги тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига масофавий банк хизматлари кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди. Банк-мижоз, интернет-банкинг, СМС-банкинг кабилар шулар жумласидандир. Мисол учун, тадбиркорлар реал вақт режимида мобиль телефонда интернет-банкинг тизими орқали ўз ҳисоб рақамини назорат қилиш қулайлигига эга бўлишди. Республикамиздаги 30 га яқин банклар мазкур хизматни тақдим этмоқда.

Йиғилишда соҳанинг тегишли қонунчилик базаси, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

миллий ўзликни англаш, уларда юксак маънавиятни шакллантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, ходимлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, бунинг учун корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларини давр талаби асосида такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаётир.

# Меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий шериклик

— Жорий йилнинг ўн ойи давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ижтимоий шериклик асосида 109 минг 164 та оилага 31 млрд.107 млн. сўмдан зиёд ижтимоий кўмак берилди, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Бундан ташқари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди.

Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 5610 нафар болали аёлнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Шунингдек, ижтимоий шериклик асосида жойларда ёш оилалар учун мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон омилига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг юксак намунасидир.

Анжуманда Федерация томонидан меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнаткашлар ва улар фарзандларини соғломлаштириш йўналишларидаги ҳамда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда "Аёллар кенгаши" ва "Ҳаёт учун" жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўкрак бези саратонининг олдини олиш ва бу касалликка чалинган аёлларни реабилитация қилиш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Инвестиция ва илғор инновациялар

## юртимиз саноати ривожига хизмат қилмоқда

*Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳиссаси беқиёс. Бинобарин, тадбиркорларимиз саъй-ҳаракати билан янги-янги маҳсулот турлари ўзлаштирилаётгани жаҳон бозоридаги ўрнимиз ва нуфузимиз янада мустаҳкамланишига хизмат қилаётир. Пировардида аҳолининг импорт ўрнини босувчи истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжи таъминланиши баробарида, кўплаб иш ўринлари вужудга келмоқда.*



## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Хусусан, истиқлол йилларида Сирдарё вилоятининг аграр ҳудуддан йирик индустриал марказга айланишида мазкур соҳа ривожига қаратилган юксак эътибор, яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Натижада ҳудудга киритилаётган чет эл инвестициялари оқими ортиб, саноатнинг тўқимачилик, қурилиш, фармацевтика каби тармоқлари жадал равнақ топаяпти.

Сирдарё туманидаги "Река-мед-Фарм" қўшма корхонаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Бир миллиард 947 миллион сўмлик хорижий сармоя эвазига ташкил этилган мазкур йирик ишлаб чиқариш субъектида бугун 196 киши иш билан банд.

— Тиббиётда кенг қўлланиладиган йигирма турдаги инфузион эритмалар ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона директори Бекзод Яриев. — Хусусан, натрий хлорид, натрий гидрокарбонат, глюкоза, рингер-лактат дисоль, трисоль, ацесоль, метронидазол, сукцинасоль каби дори воситаларига ички бозорда талаб катта. Маълумки, шу пайтга қадар бундай препаратлар катта валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Эндиликда эса маҳаллий ишчи-мутахассисларимиз кўмаги билан бу маҳсулотларни нисбатан камхаражат эвазига сифатли қилиб тайёрлашга эришаяпмиз. Масалан, юртимиз олимлари томонидан яратилган сукцинасоль дори воситасининг Марказий Осиёда муқобили йўқ. Шу боис унга қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар тушаяпти.

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойини ижобий натижалар билан якунладик, — дейди корхона бош иқтисодчиси Татьяна Гизатулина. — 8 миллион 754 минг флакон, яъни 9 миллиард 400 минг сўмлик эритма тайёрлаб, уни истеъмолчиларга етказиб бердик.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, бугунги соғлом рақобат муҳитида техник ва технологик янгиланишларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу боис "Река-мед-Фарм" цехлари босқичма-босқич модернизация қилинмоқда. Хусусан, яқинда бу ерга хориждан 3,5 миллиард сўмлик замонавий дастгоҳлар келтириб, ўрнатилди. Лойиҳа тўлиқ рўёбга чиққач, корхонада "Рингер" инфузион қоришмаси, 0,254, 05 фоизли "Новокаин", "Левофлоксаин", "Флуканизол" каби эритмалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.**

*«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади».*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси.




# Эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз

Ҳар қандай жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қувонарлиси, бугун юртимизда илмий муассасалар, олимлар ва тадқиқотчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга қаратилаётган юксак эътибор кўплаб истиқболли янгиликлару лойиҳаларнинг изчил амалга оширилишига кенг йўл очмоқда.

Буни айни пайтда ўзим таҳсил олаётган Тошкент давлат аграр университети фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўқув масканимизда таълим-тарбия жараёнига уйғун ҳолда олиб борилаётган илмий изланиш ва тадқиқотлар кўлами ҳам кенг. Айни пайтда устозларимиз кўмак ва тавсиялари асосида 100 дан зиёд талаба фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича мунтазам илмий-ижодий фаолият билан шуғулланмоқда. Университетимиз юртимиз ва хориждаги 80 га яқин илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари билан манфаатли алоқаларни йўлга қўйган.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳозир мазкур тармоқда маркетинг муносабатларини жадал шакллантиришнинг самарали механизмларига оид илмий иш олиб бораяпман. Мазкур изланишларим Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона водийси вилоятларида бўлиб ўтган ёш олим ва ихтирочилар иштирокидаги илмий конференция ва анжуманларда ижобий баҳоланди, нуфузли илмий кенгашлар муҳокамасига киритилди. Шу йўналишдаги дастлабки илмий-оммабоп рисоламиз ҳам тайёр бўлди.

Дарсдан бўш вақтларда

## Дил сўзи

тенгдошларимиз билан чет тилларини мукаммал ўзлаштириш пайидан бўлаяпмиз. Ҳозир 4-5 тилда бемалол мулоқот қила оламиз. Ҳар йили университетимиз бир гуруҳ талабаларининг ихтиро ва техник ишланмалари Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш қилиб келинаяпти. Бундан ташқари, ҳозир ихтирочи ёшларимизнинг ўнга яқини илғор хориж давлатларида ўқув-тажриба амалиётини ўташмоқда. “Илм оламан, изланаман, униб-ўсаман” деган талабага бундан ортиқ имконият бўлиши мумкинми?!

Юртбошимиз биз, ёшларга қарата “Маррани баланд олинг, ҳеч қачон бўш келманг!” дея айтган сўзларини кўп бора эшитганман. Бундай ғамхўрлик барчамизни янада улуғвор мақсадлар сари руҳлантириб бораверади.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиби.**

# Халқаро тажриба ва оқилона ечим

*Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 1 миллиондан ортиқ киши бирламчи саратон хасталигига чалинар экан. Болалар ўртасида ҳам бу касаллик кўпайиб бораяпти.*

## Тиббиёт

Мамлакатимизда қайд этилган бундай беморларнинг асосий қисмига кўкрак бези ва ошқозон саратони ташхиси қўйилган. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда кўкрак бези саратонини барвақт аниқлаш, касалликка қарши курашни ўз вақтида бошлаш орқали унинг олдини олиш мумкин.

Қарши шаҳрида “Болалар онкологиясининг долзарб муаммолари” мавзуида бўлиб ўтган республика илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Унда нафақат мамлакатимиз, балки хорижлик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этдилар.

— Саратон касалликлари бўйича замон талабига жавоб бера оладиган, юксак билим ва тажрибага эга тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади, — дейди Республика онкология илмий маркази директори С. Наврўзов. — Ҳозир ушбу хасталикнинг олдини олиш, уни барвақт аниқлаш ва даволаш бўйича дунё тажрибасини пухта ўзлаштириш, шунингдек, бу соҳада аҳолининг тиббий маданиятини ошириш имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Икки кун давомида конференция иштирокчилари билан ушбу йўналишларда ўзаро фикр алмашдик, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлдик.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**● Реклама ва эълонлар ●**

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

**ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

**Очиқ танлов савдосига ТИФ «Миллийбанк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Танловга қўйилган объект | Корхона жойлашган манзил | Сотувга қўйилган улуш (%) | Закалат миқдори (%) | Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларида) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «ASIA PIPEPLAST» МЧЖдаги 100 фоиз улуш | Тошкент ш., Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй | 100 фоиз | 2 фоиз | 49 136 500 000 | 26 653 919,18 |
| 2. | «SOG'DIANA PIPEPLAST» МЧЖдаги 100 фоиз улуш | Жиззах вилояти, Жиззах ш., Тошкент кўчаси, 1-уй | 100 фоиз | 10 фоиз | 2 931 003 400 | 1 589 912,35 |

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

**Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2013 йил 3 январь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда, танлов савдолари 2013 йил 14, 21 ва 28 январь кунлари соат 15.00 да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш уч кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади).**

**Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2013 йил 7 январь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар залида (4-қават) амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танловда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши мумкин.**

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби, деб топилади.

**Тўловларни амалга ошириш тартиби:** танлов ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини бир йил муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига «Ўзмиллийбанк»нинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар, танлов савдолари ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдолари ўтказилиши ҳамда танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил:

**100175, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

2008R/1442

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Суқрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м., бино-иншоотлар майдони 5717 кв.м. бўлган 4 қаватли ертўлали маъмурий бино-иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 591 892 755 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 25 декабрь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 21 декабрь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

2011A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ»

***қуйидаги иншоотларга танлов савдоси эълон қилади.***

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм | Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот-14/1. | Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳри, «Навоий» МФЙдаги 11-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш | 1 200 804 320 | 1 000 670 267 | 270 кун |
| Лот-14/2. | Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, «Холматов» ҚФЙдаги 150 қатновли 10-сонли мусиқа мактабини мукаммал қайта қуриш | 1 967 488 912 | 1 639 574 093 | 240 кун |
| Лот-14/3. | Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Алишер Навоий» МФЙдаги 15-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабини мукаммал қайта қуриш | 1 816 556 069 | 1 513 796 724 | 210 кун |

***Буюртмачи:*** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси. Телефонлар: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

Лойиҳани молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

*Диққат! Танлов савдолари(тендерлар)ни ўтказишда бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

Талабгор сифатида қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларда қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —* Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

***Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.***
***Тел./факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.***

**Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи** — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

***Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферта額ларни очиш куни ва соати.***

**Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.**

2009A/1374

## САНОАТ КОРХОНАСИ



**нострандарт жиҳозларни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадасини,**

**шунингдек, умумий қурилиш ишлари бўйича иш юритувчи (прораб)ларни,**

**электргаз пайвандчиларни ва умумий қурилиш ишчиларини**

**доимий ишга таклиф қилади.**

- **Иш ҳақи — ишбай, тўлов ўз вақтида амалга оширилади.**
- **Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.**
- **Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.**

**Мулоқот учун телефонлар:**
**(8-371) 241-10-81, 241-29-94, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.**

**Ўзингиз ҳақингизда маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингиз мумкин: d_kolov @ mail.ru**

1975A/1346

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.



*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**




**DONGNAM UZ MOTORS**
**Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.**
**www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru**

HYUNDAI Official Partner
FIFA WORLD CUP Brasil

1123R/101

# Соғлом бола, бахтиёр она

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда қизларни эрта турмушга узатиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш муҳим вазифалардан саналади. Шу боис ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари ҳамда ФҲДЁ бўлимлари ҳамкорлигида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Ёш оила қурувчилар мактаби" ташкил этилган. Бунда никоҳ ёши, қонуний ва шаръий никоҳ, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида ёшларга тушунча берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш тадбирларини мувофиқлаштириш Республика комиссияси йиғилишларида бугунги кунимизга оид кўплаб вазифалар белгиланган. Унинг ижроси юзасидан қўмитамиз ҳамда Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида аҳоли, айниқса, меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари, никоҳланувчилар орасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалаларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда таҳсил олаётган қизларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, улар ўртасида тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида "Ораста қизлар" тўгараклари ташкил этилган. Бундан мақсад, болалар, ўсмирлар ва ёшларда шахсий гигиеник соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, уларда ўзининг, хонадонининг, маҳалласининг ва атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборини кучайтиришдир. Шунингдек, улар ўртасида балоғатга етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, никоҳ ёшидаги қизларга оила муқаддаслиги ҳақида кенг тушунчалар бериб борилади.

Бундан ташқари, қўмита ташаббуси билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида, айниқса, қишлоқ жойларда қизларнинг спортга жалб этилиши борасида вазирликлар, ташкилотлар, корхона ва идораларда фаолият кўрсатаётган аёллар ўртасида "Соғлом аёл — соғлом жамият" шиори остида спорт тадбирлари ўтказилди. Худди шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 4 августдаги Фармойишидан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда спорт билан шуғулланувчи қизларга Президент совғаси — спорт формаларини тантанали топшириш тадбирлари ўтказилди.

Буларнинг барчаси аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган. Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳали амалга оширилиши режалаштирилган ишлар талайгина. Уларни давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси тузилган. Ўйлаймизки, ҳамжиҳатликда олиб бориладиган ишлар, албатта, ўз самарасини беради. Зеро, халқимиз фарзандининг соғ-саломат бўлиб улғайишини, жамиятга нафи тегадиган шахс сифатида камол топишини муқаддас мақсад, деб билади. Фарзанд саломат экан, она ҳамиша бахтиёрдир. Шу боис "Соғлом она — соғлом бола" тамойили остида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар эзгу мақсад-муддаоларни кўзда тутганлиги билан алоҳида аҳамиятлидир.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

*Тан олиш керак, бугунги ёшлар кечаги кун ёшларидан кескин фарқ қилади. Уларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгача. Бу эса биздан ёшларга қуруқ насиҳатгўйлик билан эмас, балки юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни жонли мулоқот ва аниқ ҳаётий мисоллар воситасида тушунтириш лозимлигини англатади. Шу боис ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олишга қаратилган тадбирларимизда турли танловлар, давра суҳбатлари ва учрашувларни ташкил этаяпмиз. Хусусан, иқтидорли талабалар ўртасида ўтказиб келинаётган "Саломатлик — туман бойлик", "Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз", "Ёшлар гиёҳвандликка қарши" мавзуидаги тадбирлар шулар жумласидандир.*

Шунингдек, вилоятларда Тошкент шаҳрида "Оиладаги тарбия: тажриба ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида семинар ташкил этилди. Жиззах вилояти, Фориш туманининг Ўзбекистон маҳалласида эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш тизими фаолиятини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан учрашув ўтказилди. Шунингдек, Давлат дастури доирасида Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда "Халқаро оила куни" муносабати билан "Энг намунали ҳарбий оила" мавзуидаги кўрик-танловнинг республика босқичи ўтказилиб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Муборак АСРАРОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

# Тараққиёт пойдевори

*Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

## Танлов

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Маълумки, бу борадаги ишларнинг аҳамияти ва мақсадларини аҳолининг барча қатламларига тушунтириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилган кенг кўламли ишларни тизимли ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизматлари катта.

Танловда мустақиллик йилларида оилаларни мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқлар ва амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида қилинган саъй-ҳаракатлар акс эттирилган саккиз юздан ортиқ ижодий ишлар, жумладан, мақола ва фотоишланмаларни нуфузли ҳакамлар муносиб баҳолашди. Ғолиблар ҳамда совриндорлар танлов ташкилотчилари томонидан махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида танловга тақдим этилган энг яхши фотоасарлардан иборат "Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзуидаги кўргазма ташкил этилди.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

## Қутлаймиз!

*Мукофотланганлар орасида "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ходимлари — фотомухбир Шомурот Шарапов ҳамда Бухоро вилояти мухбири Истам Иброҳимов ҳам бор. Биз ижодий жамоамиз номидан ҳамкасбларимизни чин дилдан қутлаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, келгусидаги ишларига омадлар тилаймиз.*

# Иккинчи босқич учрашувлари

*Бугун пойтахтимиз мезбонлик қилаётган Халқаро шахмат федерацияси — FIDE Гран-присининг иккинчи босқич сўнгги тур учрашувлари бўлиб ўтади.*

Эътиборлиси, шахматчимиз Рустам Қосимжонов нуфузли мусобақада тўққизта дуранг натижа қайд этиб, битта учрашувда ғалаба қозонди.

Тўққизинчи тур доирасида ҳам шахматчимиз рақиби Александр Морозевич билан дуранг ўйнади. Шунингдек, Руслан Пономарёв — Гата Камский, Леньер Домингес Перес — Шаҳриёр Мамедяров, Сергей Карякин — Борис Гельфанд, Петер Леко — Пётр Свидлер жуфтликлари баҳсларида ҳам ана шундай ҳисоблар қайд этилди. Ванг Хао эса мусобақанинг энг ёш, аммо фаворит шахматчиси Фабиано Каруанани мағлубиятга учратди.

Ўнинчи турда вакилимиз қора доналарда Фабиано Каруанага қарши ўйнади. Унда томонларнинг кучи тенг келди. Гата Камский — Пётр Свидлер, Борис Гельфанд — Ванг Хао жуфтликларида ҳам ғолиб номи аниқланмади.

Яна бир муросасиз учрашув Шаҳриёр Мамедяров ва Сергей Карякин ўртасида кечиб, унда озарбайжонлик спортчининг қўли баланд келди. Ўз навбатида, Александр Морозевич Петер Лекони, Руслан Пономарёв эса Леньер Домингес Пересни мағлубиятга учратди.

Натижада Александр Морозевич ва Шаҳриёр Мамедяров ҳисобидаги очколар 6 тага етди. Фабиано Каруана, Руслан Пономарёв, Сергей Карякин, Ванг Хао ва гроссмейстеримиз кўрсаткичлари ҳозирча бир хил (5,5 очко) бўлиб турибди

Кейинги ўринларни Петер Леко ва Пётр Свидлер (5 очкодан), Борис Гельфанд (4 очко), Гата Камский (3,5 очко) ва Леньер Домингес Перес (3 очко) эгаллаган.

Бугун Тошкент Гран-присининг охирги — 11 тури ўтказилади. Унда Рустам Қосимжонов Борис Гельфандга, Леньер Домингес Перес Гата Камскийга, Сергей Карякин Руслан Пономарёвга, Ванг Хао Шаҳриёр Мамедяровга, Петер Леко Фабиано Каруанага, Пётр Свидлер Александр Морозевичга қарши оқ доналарда ўйинни бошлаб беради.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

## ОБ-ҲАВО

**(4 декабрь)**



| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -3 +2 | +12 +17 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 +5 | +12 +17 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +2 +7 | +12 +17 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +2 +7 | +15 +20 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -2 +3 | +10 +15 |
| Тошкент шаҳрида | +2 +4 | +14 +16 |


● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Наманган вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Уйчи тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 13 ноябрдаги 16-1204/11666-сонли ижро варақасига асосан, «Фазлиддин Ибрагимов» ф/хдан хатланган, Уйчи тумани, «Ёркатай» ҚФЙ, «Файзиобод» МФЙ ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 5778,24 кв.м., фойдаланиш майдони 5572,8 кв.м., 15 турдаги бино-иншоотлардан иборат бўлган пилла сақлаш омбори қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 325 000 000 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 4 январь куни соат 11.00 да Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Наманган вилояти филиалида бўлиб ўтади.*

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалида қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

*Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 2 январь куни соат 18.00.*

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

**Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

2010А/1441

*Лицензия: RR-0001.*

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ
**наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:**
**ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** *собственного производства на стеклотканой основе.*
**Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.**
**Тел.: (+99893) 597-37-92, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.**
16R/1299



ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Ижтимоий реклама

**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.



**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

1882R/1294

УМНЫЙ ДОМ МАГАЗИН-САЛОН



*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

**IP камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения**

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Распознавание автомобильных номеров.
- Удаленный просмотр и управление камерами через интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

1734R/1067

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 58 889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5